

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАХРИЕВА ДИЛФУЗА ХАКИМОВНА**

**АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ТАСАВВУФИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ  
ГУМАНИСТИК МОҲИЯТИ**

**09.00.03 – Фалсафа тарихи**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2020**

**УДК: 1 (09)**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD)  
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
philosophical sciences**

**Бахриева Дилфузা Хакимовна**

Абдураҳмон Жомий тасаввуфий қарашларининг гуманистик моҳияти ..... 3

**Бахриева Дилфузা Хакимовна**

Гуманистическая сущность суфийских воззрений Абдурахмана Джами ..... 19

**Bakhriyeva Dilfuza Khakimovna**

The Humanistic essence of Abdurakhman Jami`s sufi views ..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 39

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАХРИЕВА ДИЛФУЗА ҲАКИМОВНА**

**АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ТАСАВВУФИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ  
ГУМАНИСТИК МОҲИЯТИ**

**09.00.03 – Фалсафа тарихи**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD/Fal.252 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сахифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шодиев Рустам Тоҳирович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Наврӯзова Гулчехра Негматовна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Ҳошимхонов Мўмин**  
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Навоий давлат педагогика институти**

Диссертация химояси Самарқанд давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақами Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: [rektor@samdu.uz](mailto:rektor@samdu.uz) Самарқанд давлат университети Физика факультети, 1-қават, 63-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_ - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақами реестр баённомаси).

**С.К.Каримов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Х.А.Джуракулов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
фалсафа доктори (PhD), фалсафа ф.б.

**С.А.Чориев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати.** Жаҳон тарихий тараққиёти шуни кўрсатадики, Шарқ халқларининг фалсафий мероси дунё халқларининг маънавий қиёфасини шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, Шарқ мутафаккирларининг тасаввуфий мероси бугунги маданий жараёнларни уйғунлаштириш, умуминсоний қадриятларни асраб қолиш учун гуманистик аҳамиятга эга бўлиб, барча халқларнинг маънавий ва ахлоқий ривожланишида имконият яратади. Шу жиҳатдан олганда, бугунги глобаллашув жараёнида ахлоқий бузилишлар кучайиб бораётган бир даврда аҳоли, айниқса ёшларни “маънавий қашшоқлик” ва “ахлоқий таназзул” каби иллатлардан ҳимоя қилишда Шарқ мутафаккирларининг маънавий меросидан самарали фойдаланиш ўзига хос услубий, назарий, ғоявий, маънавий ва маърифий аҳамиятга эгадир.

Жаҳон илм-фанида гуманизм соҳасидаги фалсафий тадқиқотлар персонализм, антропоцентризм, космоцентризм, социоцентризм каби назариялар ва тушунчалар асосида ривожланиб келган. Айниқса, Шарқ мутафаккирларининг илмий-маънавий меросини, хусусан, Абдураҳмон Жомий тасаввуфий қарашларининг фалсафий моҳиятини маънавий ахлоқий, био-социал дунёда мураккаб ҳодиса сифатида ўрганиш ва бу борада илмий изланишлар олиб бориш, жаҳон фалсафий-гуманистик таълимотида инсон ҳақидаги мутлақо янги таълимотни яратди. Шу маънода, Абдураҳмон Жомийнинг гуманистик қарашлари асосида замонавий ижтимоий тараққиётни шахс маънавий - ахлоқий, ижтимоий қиёфасига таъсирини ва инсоннинг маънавий ривожланиш жараёнини яхлит ҳодиса сифатида тадқиқ қилиш зарурлигини бугунги даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда буюк мутафаккирларнинг илмий ва маънавий меросини чуқур ўрганиш ва жорий этиш, ёш авлодни эзгу анъаналар руҳида тарбиялашга қаратилган кенг ислоҳотлар амалга оширилмоқда. “Тарихий меросни асраб авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Янги таҳдидлар, жумладан, “оммавий маданият” хавфи ва боқимондалик кайфияти пайдо бўлаётган, одоб-ахлоқ, қадриятларнинг йўқолиш хавфи юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида бу ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда”<sup>1</sup>. Шу муносабат билан Абдураҳмон Жомийнинг фалсафий-тасаввуфий қарашларида илгари сурилган инсон маънавий камолоти, бағрикенглик, меҳнатсеварлик, камтарлик, адолат, илм ва маърифат сингари гуманистик ғояларининг моҳиятини чуқурроқ тадқиқ этиш зарурияти пайдо бўлایпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – I жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 2018. – Б. 29-30.

тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги , 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160 “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантириши янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги, 2018 йил 12 майдаги ПҚ-3721 “Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Маънавий-ахлоқий тизимни янги босқичга кўтариш, ёшларни жисмонан баркамол тарбиялаш, уларни ўқитиш ва тарбиялаш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга, ушбу диссертация муайян даражада хизмат қиласи.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

### **Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

Бугунги глобаллашув жараёнида ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни шакллантириш энг долзарб масалалардан бири бўлиб, ёшларнинг маънавий ахлоқий тарбиясида буюк аждодларимизнинг маънавий мероси муҳим ўрин тутади. Шу жиҳатдан олганда, буюк мутафаккирлардан бири Абдураҳмон Жомийнинг ижодий мероси узоқ вақтдан бери файласуфлар, жамиятшунослар, адабиётшунослар ва санъатшуносларнинг ўрганиш обьекти бўлиб келган. Чунки, у илгари сурган конструктив аҳамиятга эга бўлган тасаввуфий-фалсафий қарашлар бугунги кунда ҳам ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашда алоҳида ўринга эга. Шу нуқтаи назардан Абдураҳмон Жомийнинг маънавий меросига бўлган қизиқиши хориж олимларини бефарқ қолдирмади. Масалан, мутафаккирнинг фалсафий-тасаввуфий ғоялари Ҳ.Алгар, Э.Браун, Ҳ.Дабаши, Ҳ.Массе<sup>1</sup>, А.Мубаллиғ, Я.Рипка, У.Читтик, А.Ҳикмат, Н.Ҳиравий сингари олимларнинг тадқиқотларида муайян даражада кўриб чиқилган.

Шу билан бирга, МДҲ мамлакатларида А.Афсаҳзод, Е.Э.Бертельс<sup>2</sup>, А.Гулиев, А.Мирзоев, М.Раджабов<sup>3</sup> А.Курбанмамадов ва бошқалар томонидан Абдураҳмон Жомий ижодини ўрганиш бўйича салмоқли илмий тадқиқотлар амалга оширилган.

Ўзбекистонда мутафаккирнинг фалсафий-тасаввуфий, ижтимоий-фалсафий, ижтимоий-ахлоқий, гуманистик қарашлари Ҳ.Алиқулов<sup>4</sup>, О.Б.Бозоров, М.Болтаев, Б.Валиходжаев, С.Каримов, Н.Комилов<sup>5</sup>,

<sup>1</sup> Masse H.Djammi.Le Baharistan.- Paris,1925.

<sup>2</sup> Бертельс Е.Э.Джами.Эпоха, жизнь, творчество.- Сталинабад,1949.

<sup>3</sup> Раджабов М. Абдураҳман Джами и таджикская философия XV века.-Душанбе,1968.

<sup>4</sup> Ҳайдар Алиқулов. Гуманистик мерос ва шахс маънавий камолоти.-Т.: “Фалсафа ва хукуқ институти нашриёти”, 2006.

<sup>5</sup> Комилов Н.Тасаввуф ёхуд комил инсон ахлоқи. Биринчи китоб.-Тошкент,1996.

Г.Наврузова, Н.Сафарова, Р.Носиров, М.Жакбаров, Ж.Холмўминов<sup>1</sup>, Р.Шодиев, М.Хошимхонов, А.Хусейнова, А.Қаюмов каби ўзбек олимлари томонидан кўриб чиқилди ва ўрганилди.

Абдураҳмон Жомийнинг маънавий меросини ўрганиш бўйича фалсафа фани тарихида илмий-тадқиқотлар олиб борилган бўлишига қарамай, унинг фалсафий-ахлоқий қарашлари, тасаввуфга бўлган муносабати ва гуманистик ғоялар ривожига қўшган улкан ҳиссаси етарлича чуқур ёритилмаган.

Бугунги кунда маънавият ва ахлоқни мустаҳкамлашда инсониятнинг тарихий тажрибаси томонидан ишлаб чиқилган дунёвий қадриятлар ва мақсадларни тарғиб қилган Абдураҳмон Жомийнинг қарашларига мурожаат қилиш, янги маъно касб этади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Самарқанд давлат университетининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Илмий изланишларни ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга қаратилган чора-тадбирлар” тадқиқот дастури доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Абдураҳмон Жомийнинг тасаввуфий ғояларининг гуманистик моҳиятини очиб бериш.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Абдураҳмон Жомий тасаввуфий қарашларининг ғоявий асосларини аниқлаш;

Абдураҳмон Жомийнинг фалсафий қарашларида тасаввуфнинг ўрни ва ролини кўриб чиқиши;

Абдураҳмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс”, “Ҳафт авранг” асрлари асосида мутафаккир фалсафий қарашларига “Ваҳдат ул-вужуд” тасаввуфий таълимоти таъсирини таҳлил қилиш;

Мутафаккирнинг инсон муаммосига муносабатини тасаввуфий қарашлар нуқтаи назаридан кўриб чиқиши;

Абдураҳмон Жомий гуманистик ғояларининг ижодий эволюциясини “Фотиҳат уш-шубоб”, “Воситат ул-икд”, “Хотимат ул-ҳаёт”, “Ҳафт авранг” асрлари асосида таҳлил этиши;

Абдураҳмон Жомийнинг “Ҳафт авранг”, “Баҳористон” асрларидаги аксиологик қарашларининг аҳамиятини мусулмон Шарқ халқлари ва бутун инсониятнинг қадрият йўналишлари нуқтаи назаридан баҳолаш;

Мустақил Ўзбекистон маънавий маданиятини, миллий мафкурасини шакллантиришда мутафаккир меросининг аҳамиятини асослаш;

Замонавий шароитда ёш авлод тарбиясида мутафаккирнинг гуманистик ғояларининг аҳамиятини тадқиқ этиш ва илмий асосланган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиши.

**Тадқиқотнинг обьекти** Абдураҳмон Жомийнинг тасаввуфий-фалсафий мероси.

<sup>1</sup> Холмўминов Ж. Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти.-Тошкент, 2008.

**Тадқиқотнинг предмети** Абдураҳмон Жомий гуманистик қарашларини фалсафий таҳлили.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда илмий билишнинг анализ ва синтез, умумлаштириш, тарихийлик ва мантиқийлик каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

Абдураҳмон Жомий маънавий меросида илгари сурилган “комилликка эришиш” концепциясини комплекс таҳлил қилиш воситасида инсон ҳаётининг асл моҳияти ва мақсади аниқланган;

Абдураҳмон Жомий фалсафий-тасаввуфий қарашлари (“Ваҳдат ул-вужуд” таълимоти)нинг гуманистик моҳияти ёшлар тарбиясида муҳим омил эканлиги мантиқий жиҳатдан асосланган;

инсонларни ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялашда Абдураҳмон Жомийнинг гуманистик ғояларидаги эзгулик, ор-номус, инсон қадри, баҳт, муҳаббат ва шафқат, масъулият сингари аксиологик категоријарининг ўзига хос жиҳатлари тарихий-фалсафий факт асосида далилланган;

Абдураҳмон Жомий тасаввуфий қарашларининг гуманистик моҳияти “оммавий маданият”, “ахлоқий деградация” ва турли мафкуравий таҳдидларга қарши курашишда мустаҳкам иммунитетни шакллантириш омили эканлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

нафақат Абдураҳмон Жомий, балки бошқа тасаввуф мутафаккирларининг таълимотларидаги инсонпарварлик муаммосини объектив баҳолашга имконият беради;

фалсафа, этика, диншунослик, маданиятшунослик ва фалсафа тарихи бўйича маъruzалар ўқишида ва амалий машғулотлар ўтказишида илмий манба сифатида хизмат қилади;

ҳозирги шароитда ёш авлодни тарбиялашда Абдураҳмон Жомийнинг гуманистик ғояларининг конструктив аҳамияти юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференциялар тўпламлари, ОАҚ рўйхатидаги маҳсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тасаввуф фалсафасида гуманизм ва унга хос бўлган инсон маънавий-ахлоқий камолоти масъаласини янгича қўйилишида бўлиб, ундан ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида ўтказиладиган илмий тадқиқотларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертацияда келтирилган фикр-мулоҳазалардан, хулосалардан умуминсоний

муносабатлар ва манфаатлар уйғунынгина, этник алоқаларни, яхши құшничилик муносабатларини мустаҳкамлашда, шунингдек маданият, санъат, адабиётшүнослик учун услугий асос сифатида ҳамда этика ва эстетика, фалсафа тарихи бўйича ўкув-методик қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Абдураҳмон Жомийнинг гуманизм ҳақидаги қарашларини ижтимоий ҳаётда қўллаш, татбиқ этиш бўйича таклиф ва тавсиялар асосида:

Абдураҳмон Жомий маънавий меросида илгари сурилган “комилликка эришиш” концепциясини комплекс таҳлил қилиш воситасида инсон ҳаётининг асл моҳияти ва мақсади аниқланганлигига оид конструктив фикр-мулоҳазаларидан Жиззах вилояти “Истиқбол” минтақавий тадқиқот марказининг “Жойларда ижтимоий муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик назоратини кучайтириш” номли 57-11/78 рақамли грант лойиҳасидаги “Ижтимоий, иқтисодий ва маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни тизимли таҳлил этиш мақсадида тадқиқотлар ўтказиш” деб, номланган 11-бандида кўзда тутилган вазифалар ижросини таъминлашда самарали фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Жиззах вилояти “Истиқбол” минтақавий тадқиқот марказининг 2019 йил 3 ноябрдаги 12-сон маълумотномаси). Натижада, маънавий-марифий тарғибот жараёнларида комиллик мезонларини такомиллаштиришда ҳалоллик ва бағрикенглик, меҳнатсеварлик, тадбиркорликка йўналтирилган илмий асосланган чора-тадбирлар ва дастурлар ишлаб чиқишига хизмат қилган;

Абдураҳмон Жомийни тасаввуфий қарашларининг гуманистик моҳиятини ёшлар тарбиясидаги ролини амалга ошириш муҳим тамоийил эканлигига оид илмий фикрларидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан 2019 йил 23 май куни Республика миқёсида ўтказилган “Тараққиёт модели - ривожланиш ва ислохотлар жараёнинг асоси” тадбир дастур лойиҳасининг сценарийсини тайёрлашда ҳамда “Ёш китобхон” Республика танловини ўтказишида самарали фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2019 йил 11 декабрдаги 04-13/ 6218-сон маълумотномаси). Бу эса, ўз навбатида, ёшларимизни маънавий меросимизга нисбатан муносабатини ижобий жиҳатдан ўзгаришига, уларнинг дунёқараси ва маданиятини ривожланишига, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгашларида фаолият кўрсатаётган мутахассислар касбий маҳоратини оширишга, шунингдек кенгаш дастурларини такомиллаштириб, амалиётга жорий қилишига хизмат қилган;

инсонларни ҳамжиҳатлик рухида тарбиялашда Абдураҳмон Жомийнинг гуманистик ғояларидаги эзгулик, ор-номус, инсон қадри, баҳт, муҳаббат ва шафқат, масъулият сингари аксиологик категорияларининг ўзига хос жиҳатлари тарихий-фалсафий факт асосида далилланганлигига оид илмий асосланган таклиф-тавсияларидан Жиззах вилояти “Истиқбол” минтақавий тадқиқот марказининг “Жойларда ижтимоий муаммоларни ҳал этишда

жамоатчилик назоратини кучайтириш” номли 57-11/78 рақамли грант лойихасидаги “Вилоятда аҳолининг ижтимоий муаммоларини ўрганиш ва тегишли хулосалар бериш борасида жойларда фуқаролар ўртасида социологик тадқиқот ўтказиш” деб номланган 8-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Жиззах вилояти “Истиқбол” минтақавий тадқиқот марказининг 2019 йил 3 ноябрдаги 12-сон маълумотномаси). Натижада, аҳолининг, айниқса ёшларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларида мухим манба бўлиб хизмат қилган;

Абдураҳмон Жомийнинг тасаввуфий қарашларининг гуманистик моҳияти “оммавий маданият”, “ахлоқий деградация” ва турли мағкуравий таҳдидларга қарши курашишда мустаҳкам иммунитетни шакллантириши асосланганлигига оид илмий янгилигидан Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши томонидан “Маҳалла китобсеварлари”, “Китоб – эзгуликка етакловчи маёқ” мавзуларида Республика миқёсида ўтказилган манзилли ишларни ташкил этишда фойдаланилган (Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг 2019 йил 23 декабрдаги 02-08/ 883-сон маълумотномаси). Натижада, аҳоли орасида маънавий мерос, миллий ғоя, маънавий тараққиёт ва ёшларни инсонпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган тарғибот тадбирларида, маҳаллаларда ижтимоий, маънавий-маърифий мухитни янада соғломлаштириш мақсадида аҳоли ўртасида тарғибот тадбирларини ташкил этишда, маҳаллаларда китобхонликни кенг тарғиб қилиш ишларига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 12 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, жумладан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола (3 та республика ва 1 та хорижий журналда) нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 102 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “Кириш” қисмида мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти асослаб берилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот

ишлари режалари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, обьекти, предмети, усууллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифлаб берилган.

Диссертациянинг **“Абдураҳмон Жомийнинг тасаввуфий қарашларининг ғоявий асослари”**, деб номланган биринчи боби икки параграфдан иборат. Мазкур бобнинг **“Абдураҳмон Жомий дунёқарашининг шаклланиши ва ривожланишида тасаввуфнинг роли ва аҳамияти”** деб номланган биринчи параграфида Жомий дунёқарашининг шаклланишига таъсир кўрсатган ижтимоий- фалсафий ва таърихий-маданий омиллар тадқиқ этилаган.

Бугунги кунда Абдураҳмон Жомий ҳаёт ва ижодиётини ўзида акс эттирган бир қатор тарихий манбалар мавжуд. Алишер Навоийнинг “Хамсат ул-мутахайирин”, “Мажолис ун-нафоис”, Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр”, Соммирзонинг “Тўхфаи Сомий”, Фахриддин Али Сафийнинг “Рашаҳот айналҳаёт”, “Латоиф ут-тавоиф”, Аҳмад ибн Мустафо Тошгиризоданинг “Аш шақоик ул-нўъмония фи-уламоъ ил-Усмония”, “Муҳаммад Ориф Бақонинг “Мажмаъ ул-фузало”, Нисории Бухороининг “Музаккир ул-аҳбоб”, Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” ва бошқа тарихий манбалар. Диссертациянинг ушбу бобида айнан шу манбалар асосида мутафаккирнинг шахсияти, ҳаёти ва ижодиёти, ҳамда унинг дунёқарашига таъсир кўрсатган тарихий шахслар ва олимлар тадқиқ этилган.

Мавлоно Абдураҳмон Жомийни бутун дунёда буюк мутафаккир, тасаввуфнинг назариётчи олими ва нақшбандия тариқатининг йирик вакили сифатида танийдилар. Машхур рус шарқшунос олими Е.Э.Бертельс “Жомий” номли монографиясида мутафаккирнинг араб тили, адабиётшунослик, илоҳиёт, тасаввуфга доир 52 та асарни мерос қилиб қолдирганлиги ва Нақшбандия таълимотини янада ривожланишига муносиб ҳисса қўшганлигини таъкидлайди. Жомий тасаввуда Муҳаммад Нақшбанд сулукига мансуб бўлган Шайх Саъдиддин Қошғарийни ўзига пир ва устоз сифатида қабул қилиб, ёшлиқ давридан бошлаб тасаввуд йўлини танлайди. Фахриддин Али Сафийнинг “Рашаҳот айналҳаёт” номли асарида Саъдиддин Қошғарийдан кейин, Жомий фалсафий-тасаввуфий қарашларининг шаклланишига таъсир кўрсатган таърихий шахслар қаторига, буюк Шайх, Нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси Хожа Муҳаммад Порсо номи алоҳида қайд этилган.<sup>1</sup> Мутафаккирнинг ўзи ҳам “Нафаҳот ул-унс” номли асарида Хожа Муҳаммад Порсо билан биринчи учрашуви ҳақида ёзган. Хожа Муҳаммад Порсо таълимотини давомчиси, унинг ўғли Хожа Бурҳониддин Абўнаср Порсо-Нақшбандия тариқатиниг намояндаси бўлиб, унинг Жомий билан мулоқотда бўлганлиги ва бевосита мутафаккир тасаввуфий

<sup>1</sup> Осори мунтахаби Хожа Аҳрор ва пайравонаш. Аҳмаджон Муҳаммадхожаев назорати остида. -Душанбе: “Империал-групп”, 2004. -Б.369.

қарашларининг шаклланишига таъсир кўрсатганлиги ҳақидаги маълумотлар тарихий манбаларда келтирилган. Жомийнинг ўзи “Нафаҳот ул-унс” китобида келтирган маълумотидан бизга аён бўлдики замонининг буюк шайхларидан бири, Мавлоно Фахриддин Нуристоний унинг фалсафий қарашларига маънавий таъсир кўрсатган. Ушбу машойихлар қаторига мутафаккир фалсафий-тасаввуфий қарашларининг шаклланишига таъсир кўрсатган Баҳоуддин Умар, Мавлоно Жалолуддин Абуюзид Пуроний, Мавлоно Шамсаддин Муҳаммад Асад ва бошқа тасаввуф намояндадарини ҳам зикр этади.

Жомий ижодиётига ва ҳаёт тарзига катта таъсир кўрсатган тариқат, Нақшбандия тариқати ҳисобланади. Ушбу тариқатнинг йирик намояндадаридан бўлган Хожа Ахрор Валийни алоҳида қайд этиш жойиз. Жомий Саъдуддин Қошғарий вафотидан кейин Хожа Ахрор Валийни ўзини муршиди деб ҳисоблаган, чунки Саъдиддин Қошғарий ва Хожа Ахрорнинг тасаввуфий қарашларида ўхшашлик мавжуд бўлган ва ўша ўхшашлик Жомийнинг маънавий эҳтиёжларига мос эди.<sup>1</sup>

XV асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий ва адабий ҳаётда юз берган ибратли ҳодисалардан бири Навоий — Жомий муносабатларидир. Бу икки буюк зот ижод соҳасида халқпарварлик ва инсонпарварлик мавқеида туриш билан бирга халқ, давлат ишларида инсоф ва адолатни ёқлар эдилар. Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс”, “Лужжат ул-асрор”, “Ашшиат ул-ламаот”, “Рисолаи мусиқий”, “Рисолаи муаммо” каби бир қанча асарлари Навоийнинг маслаҳати ва илтимоси билан ёзилган. Жомий Навоий маслаҳатига кўра ўз лирик асарларини жамлаб уларни уч қисмга бўлади ва уларга “Фотиҳат уш-шубоб”, “Воситат ул-иқд” и “Хотимат ул-ҳаёт” деб ном беради. Бу эса ўз навбатида бугунги тадқиқотчиларга Жомий гуманистик қарашларининг эволюциясини таҳлил қилиш имкониятини беради.

Алишер Навоий томонидан ёзилган “Соқийнома” XXII, XXIII, XXIV, XXV бўлаклари Жомий хотирасига бағишлиланган. Жомийга бағишлиланган тўрт бўлакда Навоий бирор кишининг исмини келтирмаган. Аммо, барча тарафлардан шундай кўзга ташланиб турадики, бу ерда кўкларга кўтариб тасвир этилмоқда бўлган зот машҳур шоир, мутафаккир, олим ва фозил шахс, Навоийнинг энг яқин дўсти, ҳаммаслаги, устоз пири Абдураҳмон Жомийдир<sup>2</sup>.

1480 йилдан 1485 йилнинг охирига қадар Жомий ўзининг буюк “Ҳафт авранг” асарини яратиш устида иш олиб борган. Бу асар Шарқ адабиётидаги хамсачилик анъаналари асосида ёзилган ва “Силсилат уз-заҳаб”, “Тухфат ул-Ахрор”, “Сабҳат ул-аброр”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Лайли ва Мажнун”, “Саломон ва Абсол”, “Хирадномаи Искандарий” деб номланган достонлар

<sup>1</sup> Хильъатпурни Валихожа. Хожа Ахрор Валий. –Самарқанд: «Суғдиён», 1992, - Б.53.

<sup>2</sup> Азиз Қаюмов. Дилкушо тақрорлар ва руҳафзо ашъорлар. –Т.: “Шарқ”, 2014. -Б.54.

мажмуидан иборат. Мазкур достонлар ғоявий тематик жиҳатдан фалсафий-тасаввуфий йўналишда ёзилган ва гуманистик моҳиятга эга.

Диссертациянинг биринчи бобининг иккинчи параграфи “**Ваҳдат ул-вужуд тасаввуфий таълимоти ва мутафаккирнинг фалсафий қарашлари**” номланган бўлиб, ушбу параграфда мутафаккирнинг фалсафий-тасаввуфий қарашларининг шаклланиш жараёни, ҳамда унга таъсир кўрсатган Ибн ал-Арабийнинг “Ваҳдат ул-вужуд” таълимоти таҳлил қилинган. Жомийнинг жамиятга хизмати шунда эдики, у XV асрда тасаввуфга, Нақшбандия сулукига Ибн ал-Арабий асослаган “Ваҳдат ул-вужуд” таълимотини олиб кирди ва уни ривожлантириди. Гап шундаки, XV асрда нақшбандийлик тариқатининг амалий-мазҳабий томонларига кўпроқ эътибор берила бошлаган ва у ижтимоий-сиёсий йўналишда ривож топган. Бу тариқат расмий одоблар мажмуасидан иборат бўлиб қолиши ҳеч гап эмас эди. Нақшбандийлик тариқатини назарий-фалсафий томонларини ривожлантиришни давр тақазо қилмоқда эди. Жомий “Ваҳдат ул-вужуд” назариясини нақшбандийлик сулукига сингдирган ҳолда, уни янги мазмун билан бойитган<sup>1</sup>.

Муҳиддин Ибн ал-Арабий (1165-1240 й.) буюк файласуф олимлардан бири ҳисобланиб, Ислом тарихида жуда қўп илмий мерос қолдирган. Абдураҳмон Жомий келтиришича унинг асарлари 500 тадан ортиқ эди. Айниқса фалсафий-тасаввуфий қарашлар тарихида унинг “Фусус ул-ҳикам”, “Футуҳот ул-Маккия” асарлари жуда машҳур бўлиб кетган. Абдураҳмон Жомий ва Ибн ал-Арабий тасаввуфий қарашларида муайян даражада ўхшашлик мавжуд ва бу тасодуф эмас. Бизга маълумки, Жомийга “Ваҳдат ул-вужуд” таълимотига йўл очган шайхлардан бири, бу Хожа Муҳаммад Порсо, аниқроғи унинг китоблари “Фасл ул-хитоб” ва “Шархи фусус” ҳисобланади. Шу билан бирга мутафаккир нафақат Ибн ал-Арабий асарлари балки унинг шарҳловчиларининг асарларидан ҳам ушбу таълимотни ўрганарди. Масалан, улар қаторига Шайх Садриддин Куниявий, Фахриддин Ироқий, Абдулраззок Кошоний, Довуд Қайсарий, Саъид Фарғоний, Муайяддин Жандий, Ҳусайн Хоразмий ва бошқаларни шарҳномалари. Ушбу масъала бўйича, Жомий билан қўп мулоқотда бўлган “Мақомоти Жомий” асарининг муаллифи Абдулвосеъ Боҳарзий, мутафаккирнинг қуидаги сўзларини келтиради: “Мен 10-15 йил бундан олдин Ибн ал-Араби асарларини ўқишини бошлаган эдим, аммо уларни тушунишга жуда қийналар эдим. Куниявий асарларини ўқишини бошлаганимдан кейин, мен Шайх Ибн ал-Арабийни сирли оламини тушуна бошладим...” Абдураҳмон Жомий ўзининг 38 йил умрини айнан ушбу таълимотни ўрганишга бағишилаб, кейинчалик ўзининг бир қатор фалсафий-ирфоний асарлари билан ривожлантирган. Россиялик олим М.Т.Степанянц ўзиниг “Философские аспекты суфизма” (“Тасаввуфнинг фалсафий жиҳатлари”) китобида

<sup>1</sup> Ҳайдар Алиқулов. Гуманистик мерос ва шахс маънавий камолоти.-Т.: “Фалсафа ва хукуқ институти нашриёти”, 2006.-Б.38.

Абдураҳмон Жомийни Иб ал-Арабий таълимотини энг ёрқин давомчилари ва шарҳловчилари қаторига келтиради<sup>1</sup>.

Диссертациянинг “Мутафаккир тасаввуфий қарашларининг фалсафий-пантеистик моҳияти” деб номланган иккинчи бобида мутафаккирнинг “Комил инсон” концепцияси ҳақидаги қарашлари унинг тасаввуфий ғоялари асосида таҳлил қилинганд. Иккинчи бобнинг биринчи параграфи “Жомий фалсафий-тасаввуфий қарашларининг ўзига хос жиҳатлари” номланган. Унда Абдураҳмон Жомий Нақшбандия тариқатининг йирик вакили, кейинчалик “Ваҳдат ул-вужуд” таълимотини ривожлантирган буюк олим эканлиги илмий жиҳатдан асосланган.

Абдураҳмон Жомий Нақшбандия тариқатида туриб, “Ваҳдат ул-вужуд” таълимотини ривожлантиришни ўзига мақсад қиласди. Ушбу мақсадга эришиш учун мутафаккир икки йўлни танлаган: биринчидан, Ибн ал-Арабий асарларига шарҳлар ёзиш, иккинчидан, мустақил равишда Ибн ал-Арабий таълимотига асосланган илмий назарий асарлар яратиш. Шундай қилиб, кейинчалик мутафаккир 1459-1492 йиллар давомида “Ваҳдат ул-вужуд” таълимотига тегишли бир қатор асарларни ёзади. Масалан, тасаввуфшунос олим Муҳсин Жаҳонгирий Жомийни Ибн ал-Арабий таълимотининг давомчиси сифатида, мутафаккирнинг “Ваҳдат ул-вужуд” таълимотига катта хисса қўшганлигини таъкидлаб, уни Садриддин Куниявийдан кейин Ибн ал-Арабий таълимотининг энг машҳур шарҳловчиси деб ҳисоблайди. Жомийнинг “Ваҳдат ул-вужуд”га асосланган фалсафий ғоялари унинг барча асарларида ўз ифодасини топган, жумладан “Шарҳи рубоиёт”, “Дуррат ул-фохира”, “Нақд ун-нусус”, “Лавоөх”, “Лавомеъ”, “Шарҳи фусус ул-хикам”, “Ашиъат ул-Ламаот”да ёрқин акс эттирган. “Жомий “Ваҳдат ул-вужуд” масаласида Ибн ал-Арабий издоши бўлган, аммо уни талқин этишда ҳанафия мазҳаби ақидалари доирасидан четга чиқмаган. Шунингдек, “Ваҳдат ул-вужуд” назариясини нақшбандийликка сингдириш билан бирга, бу назарияни нақшбандиёна қарашлар билан уйғун ҳолда ривожлантирган”<sup>2</sup>.

Жомийнинг фалсафий-ирфоний асарларини ўрганиш, Ибн ал-Арабий таълимотининг асл моҳиятини тушунишга ёрдам беради.

Диссертациянинг ушбу бобининг иккинчи параграфи “Жомий тасаввуфий қарашларида “Комил инсон” сиймоси” деб номланган бўлиб, унда мутафаккир асарларидаги “Комил инсон” ҳақидаги қарашларини таққослаш орқали таҳлил қилинганд. Яъни, Жомийдан илгари “Комил инсон” ҳақида Ибн ал-Арабий, Азизиддин Насафий, Фаридуддин Аттор ва бошқа бир қатор мутафаккирлар ўз қарашларини баён этганлар. Шунинг учун ҳам, ушбу параграфда қиёсий методдан фойдаланган ҳолда Жомийнинг “Комил инсон” ҳақидаги қарашларининг ўзига хос жиҳатлари аниқлаштириб берилган. У ўзининг барча асарларида “Комил инсон” ахлоқи, инсон тарбияси, комилликка эришиш йўллари ҳақида ўз фикрларини баён этган.

<sup>1</sup> Степанянц М.Т. Философские аспекты суфизма. Москва.:Наука,1987.-Б.15.

<sup>2</sup> Холмуминов Ж.М.Жомий ва ваҳдат ул- вужуд таълимоти.Тошкент.: Ўзбекистон миллый энциклопедияси, 2008.- Б.215.

Абдураҳмон Жомий Шайх Саъдийнинг “Гулистан” номли машҳур ҳикоялар тўпламини ғоят қадрлаган ва шу боис 1486—87 йилларда “Баҳористон” деган асарини яратди. Ушбу асар енгил, тушунарли усул билан ёзилган ва жамиятдаги турли табақалардаги шахслар ҳаёти ҳақидаги ҳикоялардан таркиб топган. У катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, маънавий комиллика чорлайди.

Ушбу парграфда мутафаккирнинг Инсон ва Худо, Инсон ва Коинот, Инсон ва жамият ҳақидаги гуманистик қарашлари таҳлил қилинган. Жомий қарашларида, Инсон табиатнинг ажралмас бўллаги ҳисобланиб, Борлиқнинг меҳварида туради. Унинг фикрича Инсоннинг энг яхши фазилатларига: ижодкорлик, меҳнатсеварлик, камтарлик, адолат, илм ва маърифатга муҳаббат киради. Мутафаккир илм ва маърифатнинг аҳамиятини ёритиб берар экан, уларни инсон ҳаётини нурафшон этадиган қуёш деб тасвиirlайди.

Жомий меросини кўзга кўринган тадқиқотчиларидан бири, тожикистонлик олим А.Афсаҳзод қайд қиласиди: “Жомийдаги сўфиёна кайфият унинг ижодий йўлини энг ибтидосидан бошланган эди”. Абдураҳмон Жомийнинг фалсафий-тасаввуфий асарларида нафақат “Комил инсон” образи ўз аксини топган, балки уларда маънавий комилликка эришитираладиган усул ва йўллар ҳам баён қилинган.

Абдураҳмон Жомийнинг “Комил инсон” ҳақидаги қарашлари бошқа олимлардан шу билан фарқ қиласиди, у ўз асарларида “Комил инсон” образини реал ҳаётга яқинлаштиришга ҳаракат қиласиди. Бу учун инсонга икки хусусият бўлиши шартлигини таъкидлайди: *юксак ахлоқий қадриятларга эга бўлиши ва ўз инсоний моҳиятини англаши*.

Диссертациянинг учинчи боби “**Абдураҳмон Жомий ирфоний қарашларида гуманистик ғояларнинг эволюцияси**” деб номланган. Мазкур бобнинг “**Жомий асарларида гуманизм ва адолатли жамият муаммоси**” деб номланган биринчи параграфида Жомийнинг тасаввуфий қарашларининг гуманистик моҳияти таҳлил қилинган.

Жомий “Искандар хирадномаси” достонида келтирилган адолатли жамият ҳақидаги утопик ғояси катта аҳамиятга эга. Мутафаккирнинг фикрича жамият ривожланишида ахлоқий қадриятлар катта роль ўйнайди. Адолат, ростгўйлик, камтарлик, меҳнатсеварлик, ҳиммат, садоқат каби сифатларга эга бўлиш, ҳар бир инсон учун жуда муҳимдир. Ушбу ахлоқий принциплар билан яшайтган жамиятда одамлар тинч ва тотув ва баҳти яшайди. Айтиш жойизки, ўша замонда Жомийнинг адолатли жамият ҳақидаги қарашлари прогрессив характерга эга эди. Уларда инсонпарварлик принципларига асосланган фуқаролик жамиятнинг белгиларини кўриш мумкин.

Жомийнинг ахлоқий қарашларида шундай аксиологик категориялар муҳим ўрин эгаллади:

1. Эзгулик
2. *Op, номус, инсон қадри*

*3. Бахт*

*4. Мұхаббат ва шафқат*

*5. Масъулият*

Гуманизм ғоялари мутафаккир фалсафий-тасаввуфий қарашларининг асосини ташкил қилади. Ушбу мухим қадрият ижтимоий муносабатларда ҳамжиҳатлик, раҳм ва шафқат, мұхаббат сифатида намоён бўлади. Бу қадриятларнинг бўлмаслиги Жомийнинг фикрича, жамиятда тартибсизлик, номутаносибликни вужудга келтиради. Мутафаккирнинг гуманистик қарашларида Аллоҳга мұхаббат, Инсонга мұхаббат билан чамбарчас боғлиқдир, яъники Худога бўлган мұхаббатдан йироқ бўлган шахсада инсонларга нисбатан шафқат шаклланмаган.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи “**Баркамол авлод тарбиясида буюқ мутафаккирнинг гуманистик қарашлари**” масаласини ёритишга қаратилган бўлиб, ушбу параграфда Абдураҳмон Жомийнинг гуманистик қарашларининг амалий аҳамияти таҳлил қилинган.

Гуманизм одамзоднинг қадри, эркинлиги, қобилияти ва фазилатларини камолга етказиш учун курашиш, инсоннинг баҳт-саодати, тенг ҳуқуқлилиги, осойишталиги,adolatli ва фаровон ҳаётини таъминлашни тақозо этади. У инсон шахсини улуғлаш ва инсонда ҳақиқий одамийликни юксалтиришни билдирувчи тушунчадир<sup>1</sup>.

Жомий бошқа Марказий Осиё мутафаккирларидек инсонларни юксак ахлоқий сифатларини эъзозлаган. Мутафаккирнинг девонлари (“Фотихат ушшубоб”, “Воситат ул-иқд”, “Хотимат ул-ҳаёт”), “Силсилат уз-захаб”, “Тўхфат ул-аҳрор”, “Сабҳат ул-аброр”, “Искандар хирадномаси”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Саломон ва Абсол”, “Лайли и Мажнун” номли достонлар мажмуидан таркиб топган “Ҳафт авранг” асари ва “Баҳористон” асари дунё маданиятида муносиб ўрин эгаллаган. Жомий “Силсилат уз-захаб” достонида бевосита ёшларга мурожаат қилиб, уларнинг ҳаётида интеллектуал салоҳият, вақтни қадри, меҳнатсеварлик каби тушунчаларнинг аҳамияти ҳақида конкрет далиллар билан ўз фикрини асослаган. Мутафаккирнинг барча асарларида инсоннинг маънавий ривожланишда китоб ўқишининг аҳамиятини маҳсус таъкидланган.

Жомий фалсафий-тасаввуфий қарашларида инсон маънавий камолотига алоҳида эътибор қаратган. Мутафаккир ўзига хос “Комил инсон” концепциясини яратиб, асарларида ривожлантирилган.

Ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш, бугунги куннинг энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ёшларнинг маънавий ахлоқий тарбияси эса, ҳаммадан олдин буюқ аждодларимизнинг маънавий меросига асосланади. Маънавий мерос ўз долзарблигини асрлар ўтиши билан йўқотмайди, у инсоннинг ички дунёси, тафаккури, ҳиссиётига таъсир кўрсатиб, бойитиб, инсонларни ахлоқий комилликка чорлайди.

<sup>1</sup> X.Аликулов ва бошқ. Ўзбекистонда ижтимоий-ахлоқий ва гуманистик фикрлар тарихининг мухим босқичлари. –Т.: “Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти”, 2007.- Б.8.

Абдураҳмон Жомий келгуси авлодга ҳақиқий бебаҳо маънавий мерос қолдирганки бугунги кунда долзарб бўлиб ҳисобланади. Ушбу ахлоқий ғоялар ҳозирги шароитда глобаллашув жараёнида ёш авлодни тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

## ХУЛОСА

Тадқиқот натижалари асосида қўйидаги хулосаларга келинди:

1. Абдураҳмон Жомий маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш мутафаккирнинг тасаввуфий-фалсафий қарашларини таҳлил қилишга имкон беради.

2. Абдураҳмон Жомий XV асрда Мовароуннаҳр ва Хурросонда Нақшбандия тариқати ва “Ваҳдат ул-вужуд” таълимотини буюк намояндаси эди. Ушбу далилни ҳисобга олган ҳолда, мутафаккир қарашларини ўрганиш, унинг ирфоний-фалсафий ғояларини тўғри баҳолашга ёрдам беради.

3. Абдураҳмон Жомийнинг маънавий меросидаги тасаввуфий-фалсафий ижодиётини ўрганиш, бизларга Ибн ал-Арабийнинг “Ваҳдат ул-вужуд” таълимотининг моҳиятини тушунишга имкон беради.

4. Абдураҳмон Жомий қарашларидаги “Комил инсон” шаклланишида ахлоқий қадриятлар ва ўз инсоний моҳиятини англаш сингари хусусиятлар муҳимлиги бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Тадқиқот натижасида шуни асослаш мумкинки, мутафаккир ўз асарларида “Комил инсон” образини реал ҳаётга яқинлаштиришга ҳаракат қилган.

5. Абдураҳмон Жомий “Ваҳдат ул-вужуд” таълимотини ривожлантирас экан, бутун борлиқ марказига Худони қўяди ва уни ягона ва мукаммал зот ҳисоблайди, аммо Яратувчи ва У яратган Инсонни бир биридан ажратмайди. Ушбу ғоя мутафаккир фалсафаси, ижодиёти ва дунёқарашини қамраб олган.

6. Абдураҳмон Жомий қолдирган бой мерос асрлар алмашинуви билан ўз долзарблигини йўқотмайди. Ушбу мерос инсонларнинг ички дунёси, тафаккури, уларни маънавий ва ахлоқий юксалишга хизмат қиласи.

Юқоридаги назарий методологик хулосалардан қўйидаги амалий таклиф-тавсиялар келиб чиқади:

1. Миллатлараро толерантлик ғояларини шаклланишининг самарадорлигини ошириш мақсадида Абдураҳмон Жомий асарларини кўпроқ нашр қилиш.

2. Ижтимоий-гуманитар фанлар ривожланишини илмий-методик жиҳатдан асослаб бериш ва мазкур жараён самарадорлигини ошириш мақсадида мутафаккир ижод маҳсулини фалсафа, маданиятшунослик, этика, эстетика фанлари бўйича ўқув қўлланмаларда кенгрок киритиш зарур.

3. ОАВ ходимлари билан ҳамкорликда жамиятнинг барча гуруҳлари ва қатламлари ўртасида Абдураҳмон Жомийнинг асарлари мазмунини тарғиб қилишни кенгайтириш лозим.

4. Дунё ҳамжамиятидаги интегратив жараёнларни ҳисобга олган ҳолда Жомийни гуманистик қарашларини миллатлараро дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш йўлида ўзига хос усул сифатида қўллаш.

5. Абдураҳмон Жомийнинг гуманистик ғояларига, маънавий-маърифий ва ахлоқий қарашларига асосланиб, замонавий оиласалар ва оиласавий муносабатлар маданиятини мустаҳкамлаш бўйича услубий қўлланма яратиш мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**БАХРИЕВА ДИЛФУЗА ХАКИМОВНА**

**ГУМАНИСТИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ СУФИЙСКИХ ВОЗЗРЕНИЙ  
АБДУРАХМАНА ДЖАМИ**

**09.00.03 – История философии**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА  
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

**Самарканд - 2020**

**Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2018.4.PhD/Fal.252.**

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (русский, узбекский, английский (резюме)) на веб-странице ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)), по адресу ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) информационно-образовательного портала «ZiyoNet».

**Научный руководитель:**

**Шодиев Рустам Тохирович**  
доктор философских наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Навruzova Gulchehra Negmatovna**  
доктор философских наук, профессор

**Xoшимхонов Мумин**  
доктор философских наук (DSc), доцент

**Ведущая организация:**

**Навоийский государственный педагогический  
институт**

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета №DSc.03/30.12.2019.F.02.02 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете в \_\_\_\_ часов «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (8366) 239-13-87, (8366) 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40, e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz). Исторический факультет Самаркандского государственного университета, 1-этаж, 105-аудитория).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под № \_\_\_\_). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 г.  
(Протокол № \_\_\_\_ от «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 г.)

**С.К.Каримов**

Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
доктор философских наук, профессор

**Х.А.Джуракулов**

Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
доктор философии (PhD), по филос.н.

**С.А.Чориев**

Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней,  
доктор философских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Историческое развитие мира показывает, что философское наследие народов Востока играет особую роль в формировании духовного облика всех народов. В особенности, суфийское наследие мыслителей Востока имеет гуманистическое значение в гармонизации современных культурных процессов, сохранении общечеловеческих ценностей и создает возможности для духовного и нравственного развития народов мира. В связи с этим, эффективное использование духовного наследия мыслителей Востока в том числе и Абдурахмана Джами для защиты населения, особенно молодежи от таких пороков, как “духовная нищета” и “моральная деградация” имеет уникальное методологическое, теоретическое, идеологическое, духовное и просветительское значение во времена усиления морального упадка в современном процессе глобализации.

В мировой науке философские исследования в области гуманизма развивались на основе таких теорий и концепций как персонализм, антропоцентризм, космоцентризм, социоцентризм. Особенno, проведение научных исследований и изучение научно-духовного наследия мыслителей Востока, в частности философской сущности суфийских воззрений Абдурахмана Джами в духовно-нравственном био-социальном мире, создало совершенно новое учение о человеке в мировом философско-гуманистическом учении. В этом смысле, необходимость исследовать влияние современного общественного развития на духовно-нравственный, социальный облик личности и процесс духовного развития человека как целостного явления, на основе гуманистических взглядов Абдурахмана Джами, является требованием времени.

В нашей стране проводятся масштабные реформы направленные на глубокое изучение и внедрение научного и духовного наследия великих мыслителей, воспитание подрастающего поколения в духе благородных традиций. “Сохранение и изучение, передача из поколения в поколение исторического наследия является одним из главных приоритетов нашего государства. Это имеет чрезвычайно важное значение потому что в условиях нынешней глобализации возникают новые вызовы, в том числе такие, как угроза все большего распространения “массовой культуры”, культа потребительства, опасность разрушения морали, ценностных ориентиров”<sup>1</sup>. В связи с этим возникает необходимость глубже изучить сущность таких гуманистических идей Абдурахмана Джами, как духовное совершенство человека, толерантность, трудолюбие, смижение, справедливость, выдвинутых в его философско-суфийских взглядах.

Данная диссертация в определенной мере послужит выполнению задач, отмеченных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Уверенно продолжим путь национального развития на новом этапе. И. Ташкент, “Узбекистан”, 2018. - С.27.

от 7 февраля 2017 года, № ПП-2995 “О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников” от 24 мая 2017 года, № ПП-3160 “О повышении эффективности духовно-просветительской деятельности и поднятии на качественно новый уровень развития сферы” от 28 июля 2017 года , № ПП-3721 “Об организации среди молодежи конкурсов любителей книги в целях широкого изучения и пропаганды творческого наследия наших великих ученых, поэтов и мыслителей” от 12 мая 2018 года, № ПП-3907 “О мерах по поднятию на качественно новый уровень системы духовно-нравственного и физически гармоничного воспитания молодежи, ее обучения и воспитания” от 14августа 2018 года а также других нормативно-правовых актов, связанных с данной сферой.

**Соответствие темы исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологии республики I. “Формирование системы социальных, правовых, экономических, инновационных идей информационного общества и демократического государства и пути их реализации”.

